# СОБИҚ РАИСНИНГ "ШУКРОНА"СИ

***Фельетон***

Деновда чиқадиган "Чағаниён" газетаси яқинда "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг раиси Жаббор Шукуров меҳнат аҳли ва фаолларининг йиғилишида ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилганлигини куннинг энг муҳим хабари сифатида эълон қилди. Айни шу ҳайъат туман ҳокими А.Эшмуродовнинг тавсиясига кўра, шу вақтгача туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишлаб келган Абдусалом Бойқобиловни бир овоздан "хўжалик раиси" этиб сайлабди. Бу машварат муҳокамасини бир ёққа йиғиштириб, шу гапни айтамиз: хўжалик раҳбарининг алмаштирилишини ҳамма билар ва шуни кутиб юришган эди. Жаббор Шукуров 2000 йил 2 январ куни Баҳром Ботиров деган кишидан раисликни қабул қилиб олган эди. Раисликнинг яхши томони шундаки, ҳамма сенинг итоатингда бўлади — буни ҳар қадамда ҳис қилиб, англаб турасан. Энг муҳими, сенинг имзоингсиз миллион-миллион сўмларнинг бир тийинни ҳам силжий олмайди. Буларнинг ҳаммаси яхши-ю, аммо йил охирида юқори идора ва раҳбарлар ундан ҳисобот сўрар экан...

Катта ишонч қозониб, хўжалик раҳбарлигига муяссар бўлган ҳурматли раисимиз Жаббор Шукуров XX асрнинг охирги йилини ҳам бир амаллаб якунлади...

Ширкат хўжалиги асосан пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланади. Пахтанинг ҳар гектаридан 13,5 центнердан ҳосил олинди. Шартнома режаси 44 фоиз бўлиб қолди. Ғаллакорлар эса шартномавий режани 52 фоиздан оширишди: ҳосилдорлик ҳам шунга яраша.

Хўжаликнинг хазинаси қайнар булоқдай гап экан: "пул йўқ", дейилади-ю, барибир чиқаверади, қуриб қолмайди. Қаранг, Эшонқул Ҳалимов деган ўринбосар 2000 йил якунлари билан иш ҳақига ҳисобланган пулдан ташқари 166583 сўмни "билмасдан" олиб кетибди. Баҳром Мамарасулов деган бошқа бир киши эса иш ҳақидан ташқари 100.292 сўмга эга чиқиб қолди. Қўли узуннинг нафси ҳам дастига яраша бўларкан. Шундай қилиб, хўжалик меҳнаткашларининг иш ҳақидан 18 миллион сўм қарздор бўлиб қолди — "ҳисобда пул бўлмагандан кейин қаёқдан берсин?!".

2001 йил якуни натижалари бултургидан са-а-алгина кўпроқ бўлди. Пахтакорлар шартномани 57 фоизга, ғаллакорлар 60 фоизга бажаришди.

Берганнинг бетига қарама, деб бўнак пулини олишавериб-ди, олишаверибди — оқибатда, ҳисоб-китоб чоғи етиштирилган 1368 тонна пахтанинг даромади бўнакни қоплай олмади. 30 млн. сўм етмай қолди, ана сизга томоша. Бу ёқда иш ҳақидан 13 миллион сўм қарз! Кредиторлик қарзлари 181 миллион сўм, дебиторлик қарзлари — 34 миллион сўм! Йил якунлари билан бу рақамлар янада кўркамлашди. Ижарачи ширкатчиларнинг кўплари ҳали ўзларининг ҳуқуқларини билмайди. Умуман, улар учун хўжалик судлари билан гаплашиш ҳам қийин. Агар ишлар шу зайлда кетаверса, кредиторлар нима қилади?

Раис шуларни ва бошқа кўп нарсаларни ўйлаб кўнглига яқин раҳбарларга "раисликни топширсаммикан", деб гап солди. Аммо ёнидаги шериклари унга далда беришди. Лекин барибир, "Чағаниён" газетаси хабар қилган воқеа содир бўлди.

Орада ҳафта-ўн кун ўтиб, Деновга биринчи қор ёққан куни Жаббор Шукуровни ажойиб бир жойда учратдим — кайфияти яхши экан. Раисликни топширгани билан "табрикладим". Илтифотимни самимий қабул қилди:

— Икки йил ишладим, армоним қолмади.

— Ҳали яна кўп ишлашингиз мумкин эди.

— Йўқ, бўлади. Бошқалар ҳам ишласин.

— Энди нима қиласиз?

— Ҳозир дам олаяпман. Чарчабман.

— Ишқилиб хурсандмисиз?

— О-о, бўлмасам-чи?

Жаббор Шукуровнинг самимийлигига жудаям ишонишингизни истар эдим: ишонмасангиз, унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, шундай вазиятда, шундай шароитда ва шундай алфозда катта хўжаликка қаторасига икки йил раҳбарлик қилишнинг ўзи бўладими! Умуман... қойил!

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**журналист**

*Бугуннинг гапи*

# ЕТТИ ОЙЛИК "ТАЪТИЛ"

*Ёки ҳуқуқшунос ғаладонида чанг босиб ётган далолатнома хусусида*

Хусусий тадбиркорлик, айниқса, деҳқон-фермер хўжалиги йўналиши ривожланаётган иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Юртбошимиз айтганларидек, **деҳқони тўқ мамлакат бой бўлади**. Дастурхон тўкинлиги, турмуш фаровонлиги ҳам кўп жиҳатдан тадбиркор деҳқон, фермер хўжалиги фаолиятининг нечоғли йўлга қўйилганига боғлиқ. Бу муҳим жараён иқтисодий ислоҳотларга шубҳасиз, ўз таъсирини ўтказади. Тараққиёт йўлига ғов бўлишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Тадбиркорларни, деҳқон-фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура идоралари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Вобкент туман прокуратураси ходимлари кичик ва ўрта бизнес субъектининг фаолиятида вужудга келаётган қонунбузарлик, тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркор, деҳқон-фермер хўжаликлари, мансабдор шахсларни солиққа тортиш ёки бошқа иқтисодий санкцияларнинг қўлланиши қонунийлиги таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг 2-7 март кунлари туман ДСИ ходими Султон Шарипов ҳудуддаги "Дилдора" хусусий корхонасида 1999 йил апрелдан 2001 йилнинг 1 март ҳолати бўйича солиқ қонунчилиги ижроси юзасидан текшириш ўтказади ва текшириш якунлари тўғрисида далолатнома тузиб, туман ДСИ бошлиғига топширади. Далолатнома қайд этилган маълумотлар хусусида қонуний қарор қабул қилиш мақсадида ДСИ ҳуқуқшуноси Умид Нуруллаевга қонунда белгиланган муддатда етказилади. Аммо "Дилдора" хусусий корхонасини текшириш якунлари ҳақидаги далолатнома 7 ой давомида Умид Нуруллаевнинг ғаладонида чанг босиб қолиб кетади. Бу ҳолат ҳуқуқшунос қонун талабларини тўла англамаганлигидан далолатми ёки ишга масъулиятсизликми? Бизнингча, ҳар иккаласи ҳам.

Қонунларимиз бу каби ва ҳар қандай қонунбузилишига нисбатан муросасиз эканлигини айтган ҳолда, ўз вақтида тузатилмаган кичик бир хато катта камчилик ёки жиноятларни етаклаб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Яна бир мисол. Туман прокуратурасига "Пахтакор" ширкат хўжалиги "Гулистон" аҳоли пунктида яшовчи фуқаро Аҳмад Атоев ариза билан мурожаат қилди. Аризачи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Вобкент филиалидан кредит олишга ёрдам берилишини сўрайди. Хўш, нега Аҳмад Атоев прокуратура идорасига мурожаат қилди?

У 2001 йилнинг 10 апрелида банк бошқарувининг раиси Комил Эргашевга кредит олиш мақсадида ариза берган. Бироқ банкдаги мутасаддилар кредит бериш масаласини пайсалга соладилар. Аризачи шу йилнинг 18 октябрига қадар банк бошқаруви раиси К.Эргашевга 7 (!) марта оғзаки мурожаат этади. Барибир натижа чиқмайди. Аҳмад Атоевнинг аризасини кўриб чиқиш муддати узрли сабабларсиз бузилгани учун ким жавоб беради?

Шунингдек, "Пахтабанк"нинг туман бўлимида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк томонидан хизмат кўрсатишда қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳам аниқланди. Бинобарин, банк ўтган йилнинг 28 сентябрдаги 12-сонли шартнома билан якка тадбиркорлик билан шуғулланувчи Ботир Тошевга 1 миллион 400 минг сўм миқдорида кредит ажратган. Бироқ ажабланарли томони шундаки, шартнома кафолат шартномаси мажбуриятлари вужудга келишидан 4 ой олдин тузилган. Бу ҳам ғайриқонуний ҳолат, банк мутасаддиларининг "билмасдан" қилган хатоси.

Айнан шу банкда 16та юридик хулосаларнинг ёзилишида ҳам қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилди. Эгаллаб турган лавозими, хизмат вазифасига нисбатан совуққонлиги туфайли "Пахтабанк" туман бўлими бошқаруви раиси ўринбосари У.Раҳимов билан банк ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Яхши биламизки, деҳқон-фермер йил давомида меҳнат қиларкан, унинг даромадидан ўз вақтида фойдаланиши керак. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти инфратузилмаси ҳам шуни тақозо этади. Мазкур топшириқнинг ижросини тўла таъминлаш мақсадида деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллигида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кунидаги **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шарномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, 2001 йил 2 ноябрда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги ҳамда "Ғолибжон" фермер хўжалиги ўртасида 2001 йилда дон етказиб бериш учун — 60-сонли контрактация шартномаси тузилган. Шартноманинг 1-бандига асосан фермер хўжалиги жорий йилнинг 30 июнига қадар 15,6 тонна буғдой топшириши белгиланди. Мазкур шартнома асосида "Ғолибжон" фермер хўжалиги зиммасига олган мажбуриятни бажарди. Аммо уюшмадагилар маҳсулотни олишиб, ҳисоб-китобга келганда, фермерни овора қилишгани изоҳ талаб этади.

Қонун талабини унутган, унинг бузилишига йўл қўйган киши, шубҳасиз, қонун доирасида жавоб бериши шарт.

**Саъдулла АШУРОВ,**
**Вобкент туман прокурорининг ёрдамчиси**

# ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА МОСМИ?

Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан Президентимизнинг **"Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармони (2001 йил 11 июл) ва Вазирлар Маҳкамасининг **"Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори (2001 йил 19 июн) ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг Жиззах вилоят бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи саккизта пахта тозалаш корхоналарида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўли билан 2001 йилда пахта хом ашёсини етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномаларининг тузилиши ва бажарилиши аҳволи ўрганиб чиқилди.

Вилоят бўйича 3401 та хомашё етиштирувчи хўжаликлар бўлиб, уларнинг 3243 таси фермер, 8 та пахта тозалаш корхоналари ўртасида жами 3401 та (19624 миллион сўмлик) контрактация шартномалари тузилган. Мазкур шартномалар **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунга, Фуқаролик кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларга мослиги ўрганиб чиқилди.

Даштобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг 90 таси муддатидан кечиктириб тузилган, яъни 2001 йил ҳосилини етиштириш юзасидан кузги-қишки ишлар бошланиб кетгандан сўнг 1-10 ой давомида тузилган. Жумладан, 2001 йил августда битта, июлда 14 та, май ойида 7 та, апрелда 35 та ва ҳакозо. Мисол учун "Абдурашид" фермер хўжалиги билан 262-шартнома 2001 йил 11 апрелда тузилган. "Омина", "Ҳаёт суви" каби саккизта хўжалик билан тузилган шартномалар жуда кечиктирилиб, бир-икки ой ўтгандан сўнг Зомин туман маҳсулотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича Давлат инспекцияси томонидан рўйхатга олинган. 6 таси эса аксинча, томонлар шартномани имзолашидан бир-икки ой бурун Давлат инспекцияси рўйхатидан ўтказилган. 28 та шартномада хўжалик ва тайёрловчи банклар раҳбарларининг имзолари йўқ, битта шартномада тайёрловчи банкнинг муҳри босилмаган.

Барча шартномаларда 50 фоизлик аванс тўловларини тўлаш муддати "бир йил мобайнида" деб нотўғри кўрсатилган. Ваҳоланки, мазкур тўлов ҳосил йиғиштириладиган даврга қадар амалга оширилиши керак.

Барча шартномалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, лекин уларни экспертиза қилиш чоғида юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилмаган.

"Дўстлик" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида эса битта ҳам шартнома, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган. Зафаробод туманида эса 73 шартнома ҳуқуқий экспертизасиз тузилган.

"Иржар" пахта тозалаш корхонаси тузган шартномаларда юрист хулосаси бор, аммо шартноманинг ўзи қонунга зид. Унда томонларнинг мулкий жавобгарлиги белгиланмаган. "Янги дала", "Ғалаба" ширкат хўжаликлари билан тузилган шартномалар шундай мисоллар сирасига киради. "Туркистон" ширкат хўжалиги билан тузилган шартномада банк ҳисоб рақамлари йўқ, маҳсулот суммаси белгиланмаган, юрист хулосаси олинмаган.

"Зарбдор", А.Икромов номли, "Пахтакор" пахта тозалаш корхоналарида ҳам шу тахлит камчиликлар мавжуд.

2001 йили пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилиш аҳволи ўрганилганда республика Молия вазирлиги томонидан ажратилиши лозим бўлган 9812 млн. сўмлик аванс маблағларидан вилоятдаги 8 та пахта тозалаш корхоналари ҳисоб рақамига 2001 йил 5 сентябрга қадар 8829 млн. сўм келиб тушган. Тўланмаган сумма, — Республика уюшмасига қайтарилганларини қўшиб ҳисоблаганда, — 1010 млн. сўмни ташкил этди. Шу тахлит пахта тозалаш корхоналари хом ашё етказувчи хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг аванс тўловлари бўйича бандларини лозим даражада бажармай, шартнома интизомини бузган. Оқибатда хўжаликлар ва фермерлар амалга ошириши лозим бўлган агротехник тадбирларни ўтказолмаганлар, техникани ўз вақтида таъмирлай олмаганлар, ЁММ, минерал ўғит ололмаганлар, ишчиларга иш ҳақини беролмаганлар, бу ўз навбатида шартномада белгиланган миқдордаги хомашёни етказиш имконидан хўжаликлар ва фермерларни маҳрум қилган.

Бундан ташқари аванс тўловларини амалга оширишда нотенгликка йўл қўйилиб, аксарият ҳолларда ширкат хўжаликларига кўп, фермерларга эса кам аванс берилган. Мисол учун "Дўстлик" туманида 9 та ширкат хўжалигига 160 млн. сўм зиёд аванс тўланган, оқибат 417 фермер 297 млн. сўм кам аванс олишга мажбур бўлган.

Мирзачўл туманидаги ширкат хўжаликларга 54 млн. сўм кўп тўлангани ҳолда, "Жар ардис" фермер хўжалигига 1829 минг сўм, "Бекзат" фермер хўжалигига 537 минг сўм кам тўланган.

2000 йили контрактация шартномалари бўйича етиштирилган пахта хом ашёси учун хўжаликлар ва фермерларга тўланадиган тўловларнинг амалга оширилиши, давлатга пахта сотиш режасини бажарган хўжаликлар ихтиёрига 70 фоизлик янги маҳсулотнинг қолдирилиш аҳволи ўрганилди. Маълум бўлишича, "Иржар" пахта тозалаш корхонаси хўжаликлар ва фермерлардан 77327 минг сўм қарздор бўлиб қолган ва бу қарзни 2001 йил 5 сентябрга қадар узмаган. Бу ҳол бошқа туманларда ҳам учрайди.

"Дўстлик" туман пахта тозалаш корхонаси шартнома мажбуриятини бажарган 15 фермернинг 334 тонна, "Пахтакор" 13 фермернинг 101 тонна, "Иржар" 5 фермернинг 67 тонна 70 фоизлик янги маҳсулоти — техник чигитини келишилган жойга ўтказиб бермаган.

Вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси тизими корхоналарида йўл қўйилган жиддий камчиликлар ва қонунбузилиши ҳоллари ҳанузгача мутасадди раҳбарлар шартномавий муносабатлар масалаларига юзаки қараб қолаётгани, хўжаликлар ва фермерларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини менсимаётганидан далолатдир.

Ўрганиш якуни бўйича 2001 йили пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг ҳар бири қайта кўриб чиқилиши натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, белгиланган шартларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, тузилган контрактация шартномаларининг бажарилишида деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларининг манфаатлари бузилиш ҳолларини тугатиш, жойларда юридик хизмат ишларини яхшилаш, жамиятларда ҳуқуқшунос лавозимларини тўлиқ жорий этиш чораларини кўриш юзасидан вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасига ва 8 та пахта тозалаш корхоналари раҳбарларига тақдимномалар йўлланди. Жумладан, 2001 йилги аванс тўловларни охирига етказиш, акс ҳолда хўжалик судларига 228 млн. сўмлик 174 та даъво аризалари киритилиши маълум қилинди. Шунингдек, 70 фоизлик техник чигитини ололмаган фермерларнинг чигитини етказиш, 2000 йилги хом ашё ҳақини тўлаш бўйича талабномалар киритилди. Пахта хомашёсини тайёрлаш юзасидан контрактация шартномаларининг намунавий нусхалари тайёрланиб, жойларга етказилди, масъул шахслар билан шартнома тузиш юзасидан семинарлар ўтказилди, жойларда шартнома тузиш давомида йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш юзасидан ҳуқуқий тушунчалар берилди. Вилоят "Пахтасаноат" ҳиссадорлик жамияти бирлашмаси бўлинмаларида шартномаларнинг қонуний тузилиши ва бажарилишини назорат этиш тадбирлари белгиланди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов: 2001 йил 14 сентябр куни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигида янгича ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш ҳақида сўз юритиб, бу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, жумладан, тузилаётган шартномаларнинг қонун талабларига тўла мослигини таъминлаш ва уларга риоя қилишни кучайтириш тўғрисида тўхталиб, ширкат хўжаликлари билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилаётган шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари, уларни бажариш учун жавобгарлик масаласига етарли аҳамият берилмаётгани, бу ҳолат деҳқонларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ана шу талаблардан келиб чиққан вилоят Адлия бошқармаси шартномавий муносабатларга оид назорат ишларини ҳар томонлама кучайтириш, хўжаликлар ва фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартнома интизомини бузувчи мутасаддилар, раҳбарлар, масъул шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўрмоқда.

**Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Ҳуқуқий маърифат*

# ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ

***Сиз у ҳақида нималар биласиз?***

*(Боши биринчи бетда)*

Лизинг шартномасида, Кулагиннинг фикрича, бир тараф (лизинг компанияси) бошқа тарафга (фойдаланувчига) муайян предмет (машина, транспорт воситаси ва б.) беради, фойдаланувчи эса бунинг учун ҳақ тўлаб туриши лозим. Шартнома бекор қилингандан кейин эса ушбу предметни имтиёзли ҳуқуқ асосида сотиб олишга ҳақли. Лизинг шартномаси ўзида мулкий ижара олди-сотди шартномалари хусусиятларини ифодалайди. Лизинг шартномасига илмий адабиётларда шундай таъриф берилади: "Миллий ва халқаро хўжалик юритиш фаолиятида машинавий техник воситалардан фойдаланиш муносабати мулкий-шартномавий асосда кенгайиб бориб, бу асос натижада лизинг муносабатини вужудга келтиради".

АҚШда ўтган асрнинг ўрталарида шу турдаги муносабатлар вужудга келган бўлиб, 50-йилларнинг охирларида Ғарбий Европа ва Япония корхоналарида ундан фойдаланиш жараёни кенгроқ тарқалганлиги кузатилади.

Ҳозирги пайтда эса дунёнинг деярли барча давлатларида шартноманинг бу тури амалда қўлланилмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг судлов тажрибаси ҳам лизинг муносабатларини тан олди. Аммо шунга қарамасдан, АҚШ, ГФР, Япония каби баъзи мамлакатларда лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонун меъёрлари кенг тарғиб қилинганлигини учратиш қийин. Бироқ баъзи мамлакатларда лизинг муносабатлари бўйича махсус меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Франциянинг 1966 йил 2 июлдаги қонуни; Англиянинг ижара олди-сотдиси тўғрисидаги 1965 йилдаги қонуни бунга мисол бўла олади.

Лизинг ривожланишини ва тарихининг кузатувчилари унинг кенгайишини ёки тарқалишини АҚШ ва Ғарбий Европада темир йўл транспортининг шаклланишида деб биладилар. Чунки темир йўл компаниялари катта харажатларнинг олдини олиш мақсадида локомотивлар, вагонларни ва бошқа транспорт воситаларини олди-сотди шартномаси орқали эмас, балки фойдаланиш учун олишга уринар эди. Бу эса юқоридаги лизинг муносабатларининг юзага келишига сабаб бўлди, десак янглишмаймиз.

Лизинг шартномаси баъзи муаллифлар фикрича, ижара шартномасининг ўзига хос туридир, бироқ унинг фарқловчи жиҳатлари ҳам бор. Баъзи олимларнинг фикрича, у мустақил тармоқдир.

Масалан, Газмоннинг фикрича, лизинг жараёнида мулкни ҳаракатга келтириш, жойини ўзгартириш ва томонлар ўртасидаги келишувга биноан ҳақ тўлаш усули қўлланилади. Шу сабабли лизинг тадбиркорлик фаолиятининг бир тури сифатида, вақтинчалик бўш ёки жалб этилган молиявий воситаларга йўналтирилади. Бироқ лизинг тўғрисида ҳар хил қарашлар мавжуд. Масалан, лизинг —тадбиркорлик фаолият тури; лизинг бу — инвестиция ёки кредитнинг махсус кўриниши; лизинг — операциялар мажмуи; лизинг берувчи ва олувчи ўртасидаги битим тарзида талқин этилади. Бундай ёндашувлар иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан унинг аниқ белгиларини ифодалаб бера олмайди. Бизнинг фикримизча, лизингнинг ҳуқуқий табиати ҳақида гап кетганда фақат лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида вужудга келадиган шартномавий ҳуқуқий муносабат назарда тутилади. Лекин у ўзининг баъзи жиҳатлари билан ижарадан фарқ қилади.

Лизингнинг оддий ижарадан фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг уларни қолдиқ қиймати йиғиндисига сотиб олиш кўзда тутилади.

Бу хусусияти билан у транспорт корхоналари ўз ходимларига кейинчалик сотиб олиш шарти билан транспорт воситаларини топшириш шартномасига ўхшаб кетади.

Лизингнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун кўпинча маблағлар етишмайди. Шу сабабли кўпинча лизинг операцияларида ташқаридан жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади.

Бу хусусиятлар ижаранинг бошқа турларида учрамайди. Шундай экан, ҳозирда лизинг муносабатларини ҳаётга кенгроқ жалб қилиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари соддалаштирилган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Чунки лизинг бир қанча устунликларга эга. Масалан:

— давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишга шароит туғдиради;

— сармоясиз тадбиркорларга кенг имкониятлар яратади;

— рақобатнинг ривожланиши учун шароит туғдиради;

— қўшимча гаров ва бошқа кафолатлар талаб қилинмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдиришни лозим деб топдик:

— фикримизча, ижара шартномаси узоқ муддатларга тузилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Агар шартнома узоқ тузилса, ижарачи ишонч йўқлиги важидан жамоа даромадини, мавжуд маблағларнинг асосий қисмини иш ҳақига айлантириб олишга ҳамда жамоанинг бошқа маблағларини шахсий манфаати учун сарфлаб юборишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда "Ижара тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига аниқлик киритиш лозим;

— транспорт воситалари ижараси шартномасида ёнилғи, хом ашё, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр қисмлардан фойдаланиш шарт-шароитлари хусусида ижарага берувчи ва ижарачи ўртасидаги келишувлар ўз ифодасини топиши керак;

— бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган шароитда ижара шартномаси асосида ишлаётганлар учун фақат марказда эмас, балки чекка туманларда ҳам зарур бўлган маълумотлар ва ёрдамлар берадиган бўлимлар бўлиши мақсадга мувофиқ;

— ижара муносабати объектларни иккига, яъни кўчар, кўчмас мулклар турларига бўлиб ўрганиш учун қонун ҳужжатларига аниқлик киритиш лозим.

Шартнома муносабатларини мустаҳкамлаш, шартномалар тузишни тартибга солиш ва раҳбарларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларига аниқ риоя қилишлари юзасидан талабчанликни ошириш бўйича қонун ҳужжатларига аниқлик киритилиши зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкин. модомики, биз фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, бозор муносабатларига тўлиқроқ ўтишни тезлаштириш учун, авваламбор, ҳар бир фуқаро ва раҳбар қонун ҳамда меъёрий ҳужжатларни мукаммал билиши лозим.

**Сотиболди БОБОҚУЛОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

# ЧОЙХОНА КИМНИКИ?

Андижон шаҳрида Мирпўстин ота номи билан юритилувчи мўътабар зиёратгоҳ гўша бор. Бу ердаги шифобахш булоқ сувларини кўп дардга даво дейдилар. Бунинг устига, кексаларнинг айтишича, ўтмишда улуғ зотлардан бўлган Мирпўстин ота хонақоҳи ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

Шу ерда мўъжазгина чойхона бўлиб, унинг биносини ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида маҳалла аҳли ҳашар йўли билан қурган ва бир неча йиллар давомида Мирпўстин маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат қилиб келган. Маҳалла аҳлининг шоҳидлик беришича, марҳум Миркомил Маҳмудов деган фуқаро кейинроқ чойхонани бутунлай таъмирдан чиқарган. Маҳалла фуқаролари йиғинининг қарорига кўра чойхонадан тушган маблағ маҳалла йиғини ҳисобига кирим қилинган ва маҳалла, чойхона эҳтиёжига сарф қилинган.

Аммо нима бўлди-ю, 1996 йилда чойхона сотилиб, Абдушукур Сўпиев деган "ишбилармон" фуқарога хусусий мулк қилиб берилди. Маҳалла аҳли ҳайрон. "Наҳотки, ўзи қурган чойхонага эгалик қилолмаса, бунинг устига бу ер мўътабар зиёратгоҳ жой булса-ю унга аллаким эгалик қилса..."

Ҳа, "эпчиллару чаққонлар" ишга киришса ҳеч гап эмас экан. Аслида Й. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги, республика кўчмас мулк биржасининг Андижон вилояти бўлими ва фуқаро Абдушукур Сўпиевлар ўзаро уч томонлама битим-шартнома тузишиб, чойхона 25 минг 326 сўмга сотиб олинган. Суд жараёнида чойхона ширкат хўжалиги ҳисобида бўлмаганлиги, биржа савдосида хўжалик вакили иштирок этмагани, брокер ёлланмаганлиги, олди-сотди шартномаси нотариал тасдиғидан ўтмаганлиги, чойхона ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, тўла маҳалланинг мулки эканлиги ўз исботини топди. Савдо битими тузилишидаги қалбакичилик ва кўзбўямачилик ошкор бўлиб қолди. Ҳатто, ширкат хўжалиги ўз номидан иш кўрган "Нодирбек" хусусий брокерлик фирмаси Н.Иброҳимов, харидор номидан ҳаракат қилган "Ҳуррият" фирмаси номидан иш кўрган О.Олимжоновлар судда бир-бирларини танишмай шарманда бўлишди.

Натижада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 110-, 112-, 114- моддаларига асосан жавобгар А.Сўпиевга давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси томонидан 1996 йил 2 октябр куни берилган мулк ҳуқуқийлигини тасдиқловчи ордер ва олди-сотти шартномаси ҳақиқий эмас деб топилди ва бекор қилинди. Мирпўстин ота чойхонаси эса маҳалла фуқаролар йиғинига қайтариб олиб берилди, мулк ўз эгасини топди.

**Аъзамжон ЮСУПОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича**
**Андижон туманлараро судининг судьяси.**



***Тоғларга қор тушди...***

# ТАДБИРКОРНИНГ ҚОНУНИЙ ҚАЛҚОНИГА АЙЛАНГАН КИТОБ

*(Боши биринчи бетда)*

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги, алоҳида ҳолларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органларнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боришига тўсқинлик қилмаслиги, фақат жиноий ишлар қўзғатилганда прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан текшириш учун асос бўлади. Бунда қўзғатилган жиноий иш билан боғлиқ жиҳатларгина қамраб олинади.

Тадбиркорлар назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколат доирасига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ҳуқуқига эга.

Тадбиркорлар фаолиятини текшириш, асосан, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Лекин уларнинг қўлида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органлар томонидан тасдиқланган текширишни ўтказиш режасидан, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ҳамда текширишни ўтказиш муддати кўрсатилган тегишли буйруқдан кўчирма бўлиши лозим. Шунингдек, уларнинг шахсий гувоҳномалари бўлган тақдирда текширишга йўл қўйилади.

Бугунги кунда пойтахтимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Қолаверса, ҳозирги кунгача шаҳардаги барча тадбиркорлар мазкур китоб билан тўлиқ таъминланган. Шунинг учун ҳам бу тадбирнинг натижалари хусусида билиш мақсадида Тошкент шаҳар адлия бошқармасида бўлдик. Маълум қилишларича, ўтган йили тадбиркорлар қўлидаги китобларга ноқонуний текширувни қайд этиб кетганлар учраган. Лекин кейинчалик бундай ўзбошимча "текширувчилар" тегишли жазо олган. Жорий йилда эса бирорта ҳам бундай ҳолат учрамаган. Бир сўз билан айтганда, китоб пойтахтимизда тадбиркорларни ўзининг одил ҳимоясига олган.

Хўш, китоб хусусида тадбиркорларимизнинг ўзлари нима дейди? Ушбу саволни шаҳардаги машҳур "Жўрабек" хусусий дорихонаси мудири ёрдамчиси Муҳайё Лутфуллаевага берганимизда, унинг чеҳраси янада ёришиб кетди.

- Дорихона фаолиятини энди йўлга қўйган йилларимизда кунига 5-6 та текширувчи келган кунлари ҳам бўларди,- дейди у. - Ишни тўхтатиб, уларнинг хизматига елиб-югурардик. Табиийки, бу нарса фаолиятимизга кескин салбий таъсир кўрсатарди. Мижозларимизнинг ҳам баъзида биздан кўнгли қоларди. Чунки ялиниб келишса ҳам савдо қилишга ҳаққимиз бўлмасди. Текширишлар китоби қўлимизга текканидан бери эса ҳаммаси ўзгарди. Текширувчи келса, дарҳол китобимизни олиб чиқамиз. Кўпинча, нимандир баҳона қиладию жуфтагини ростлаб қолади. Шундан биламизки, демак у ҳузуримизга қонунга хилоф равишда келган. Бу "сеҳрли китоб" сўнгги икки йилда бизга жуда катта ёрдам берди. Молиявий аҳволимиз ҳам барқарорлашди. Ҳозирги кунда хориж фирмалари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Жорий йил давомида дорихонамизда қонуний асосда бор-йўғи беш марта текшириш ўтказилгани, бу текширувлар ҳам фаолиятимизга деярли салбий таъсир ўтказмаганлиги сабабли шундай муваффақиятларга эришяпмиз, деб ўйлайман.

Лекин тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний йўл билан шунча ҳимоя қилинаётганига қарамай, аввало, уларнинг бефарқлиги, ҳуқуқларини яхши билмасликлари сабабли, қолаверса, баъзи фирибгарларнинг қонунга беписанд муносабати туфайли ноқонуний текширишлар ҳамон учраб турибди. Мисол учун Қарши шаҳар электр энергиясини назорат қилувчи ташкилот вакиллари Г.Анваров ҳамда Ш.Турдиев шаҳардаги "Ал-Исломбек" хусусий фирмасида ана шундай текшириш ўтказган. Қизиғи шундаки, улар қинғир ишларини "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"га қайд қилади. Чамаси, улар китобдаги ёзув билан кимнинг иши бор, деган хомхаёлга борган кўринади. Лекин Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар юритаётган мазкур китобда рўйхатга олинган текширишлар мониторинги ўтказилганда, уларнинг қинғир ишлари очилиб қолди. "Ал-Исломбек"ни бир кеча-кундуз электрсиз қолдиргани учун нохолис текширувчилар қонун олдида жавоб берди.

Энг сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатимиз бўйича тўрт юз мингга яқин тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" бугунги кунда тадбиркорларнинг ҳимоячиси, суянчиғи, қонуний қалқонига айланаётган экан, демак, уларнинг ҳар бири бу китоб билан тўлиқ таъминланиши лозим. Лекин ҳозирги кунда 170 мингта китоб нашр қилинган. Демак, чекка ҳудудларда қайсидир тадбиркор бу китобга эга эмас. Шундай экан, 917-1 рақамли "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"ни етарли даражада чоп этиш зарур.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Мулоҳаза*

# МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР

*Биринчи мисол:* ***Хусусий жамоа корхонасида туман ҳокими мажлис ўтказишни, унда корхона раҳбарини бўшатиш масаласини кўришни режалаштирди. Бу ҳақда жамоа корхонаси идорасига телефон орқали хабарлаб, ўзи йўлга чиқди. Келиб қарасаки, айтилган вақтда корхона идорасида ҳеч ким йиғилмаган. Нима эмиш, хусусий корхона раҳбарини фақат корхона аъзоларигина бўшатиши ёки тайинлаши мумкин эмиш. Корхона Низомига кўра мажлис вақтини ҳам, кун тартибини ҳам корхона аъзолари белгилар экан. Корхона хусусий мулкка асосланганu учун ҳоким таклиф этилсагина корхона мажлисига келиши мумкин, лекин хусусий корхонада ўтказиладиган мажлис вақтини, кун тартибини, шунингдек, корхона раҳбарини бўшатиш ёки тайинлаш масаласини ўзи ҳал қилиши мумкин эмас, дейишди корхона аъзолари. "Корхона низомига кўра, — таъкидлашади улар, — мажлис кун тартиби билан мажлис ўтказиладиган кундан корхона аъзолари фалон муддат илгари огоҳлантирилиши шарт".***

*Ҳоким муовини қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва ҳакозо одамлар билан биргаликда деярли 2 соат корхона аъзоларининг тўпланишини кутди. Барибир ҳеч ким тўпланмади. Охири фуқаролар йиғини раиси корхона аъзоларининг уйига бориб уларни мажбурлаб олиб келамиз, деган фикрни айтди. Ҳоким эса қўлидаги соатга қараб "энди кеч бўлиб қолди. Иш вақти ҳам тугади. Иш вақтидан ташқарида уларни безовта қилишга ҳаққимиз йўқ" деди-да, машинасига ўтириб жўнаворди.*

Бевосита ўзимиз гувоҳ бўлган бу воқеани бежиз келтирмадик. Корхона аъзолари тимсолида ҳуқуқини таниган, таниётган фуқароларни кўрсак, ҳоким мисолида фуқароларнинг ҳақ- ҳуқуқини тан олаётган, қонун доирасида ишлашга ҳаракат қилаётган раҳбарни кўришимиз мумкин. Ҳуқуқини таниган корхона аъзолари биз кўрган мисолда мустақилликка, ўз-ўзини бошқаришга эришаяпти. Зеро, раҳбар ҳам қонун устуворлиги асосида фаолият юргиздики, у агар раҳбарлигини қонундан устун қўйганида эди адолат бузиларди, қонун бузиларди. Ҳуқуқини таниш жамиятга ана шундай муътадиллик беради.

Сирасини айтганда, юқоридаги мисол мустақиллик — ҳуқуқ эканлигини, мустақилликнинг нақадар улуғ ҳодиса бўлганлигини яна бир бор эслатиб қўяди кишига. Кўп эмас, бундан 10-15 йил илгари собиқ шўро даврида тумандаги биринчи раҳбарни қўя турing, ҳатто колхоз раисининг айтгани қонун, истаги буйруқ эди. Ҳуқуқсизлик шу даражага етгандики, қишлоқдаги тўйларни ҳам колхоз раиси белгилаб берарди. У кишининг рухсатисиз тўй қилиб кўринг-чи.

Шўро даврида ҳукмдорлик қонун эди, раҳбарнинг ўзи қонунга айланган эди. Халқ эса ҳуқуқсиз, муте ҳолда сақланди. Ва унга озгинагина ҳуқуқ — эркинлик берилиши биланоқ, ўзининг ҳуқуқсиз, оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан ҳам мосуво эканлигини англаб қолди. Бу англаш охир-оқибат зўравонлик, ҳукмдорлик асосига қурилган шўро давлатининг қулаши билан якунланди. Ниҳоят, одамлар шўро даврининг зуғумларидан халос бўлишди. Ҳуқуқларини англаб етиб мустақилликка эришишди. Ва мустақиллик ҳуқуқдан бошланишига ҳамма яна бир бор имон келтирди.

Иккинчи мисол: **Таҳририят қўнғироғи жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардик. Овоз келди:**

— Алло, биз фалон қишлоқдан телефон қилаяпмиз. Қишлоғимизда чироқ тез-тез ўчиб туради...

—Биз чироқ ёқиш билан шуғулланмаймиз. Бу ер редакция.

— Шунинг учун қўнғироқ қилаяпман. Шуни бир танқид қилиб ёзсанглар.

— Сиз бирор жойга мурожаат қилдингизми? Улар нима деб жавоб беришди?

— Ҳеч жойга шикоят қилганимиз йўқ. Газетанинг обрўйи бор, сизлар ёрдам берсангизлар дегандик. Бизларни барибир тинглашмайди.

— Қайси жойга борганингизда ким тингламади сизларни?

— ...

Аввало, баъзи кичик муаммоларнинг ҳам жойларда ҳал бўлмай марказгача етиб келишига ўша жойдаги фуқароларнинг ҳали ўз ҳақ-ҳуқуқини етарли талаб қила билмаслиги сабаб бўлади. Аксарият ҳолларда фуқаролар муаммоларни ечиш учун ваколатли идораларга мурожаат қилиш малакасига эга эмас. Бу малакасизликни ҳам етарли даражада ҳуқуқий саводхон эмаслик билан изоҳласа бўлар. Юқоридаги мисолни олайлик. Қишлоғидаги чироқ муаммосини ваколатли идораларга мурожаат қилмасдан, огоҳлантирмасдан ёки хабар бермай, ёрдамни таҳририятдан сўрашда ҳам ўша саводсизликни кўриш мумкин. Шўро давридан қолган боқимандалик кайфияти ўларoқ, уларга чироқни биров келиб ёқиб бериши керак. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқини биров талаб қилиши, уларнинг манфаати учун бошқалар курашиши зарур. Ахир ҳуқуқий-демократик жамият ҳар бир фуқаронинг маърифатига, аввало ҳуқуқий маърифатига суянади. Кучли давлат, кучли жамиятнинг асосини ҳамиша фуқароларнинг саводхонлиги, огоҳлиги, курашчанлиги ташкил қилиб келган. Айниқса, бу нарса бугунги глобаллашув жараёнида ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир фуқаро ўз манфаатини мустақил ҳимоя қила оладиган даражага етмаса, унинг ҳуқуқини биров келиб тиклаб бергани билан фойда бўлмайди. Унинг манфаатига эртага яна тажовуз бўлиши мумкин. Саводхонлик, ҳуқуқий маърифат курашчанлик — демократиянинг энг кучли ва зарур томонидир.

Ҳар бир фуқаро ҳуқуқий-демократик жамиятнинг тезроқ қурилишига ўз маърифати билан хизмат қилади. Ҳуқуқий-демократик давлат, ҳатто алоҳида-алоҳида шахсларнинг ҳам маърифатига суянади, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхон бўлишидан манфаатдор бўлади. Мен ҳуқуқий-демократик жамият қурилишига хизмат қиламан, деган фуқаро аввало ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етиши, унинг учун кураша оладиган даражага эришмоғи лозим. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатини фуқаролик бурчи, ватан равнақи, юрт келажаги олдидаги қарзи деб билмоғи шарт. Зеро, ҳақ-ҳуқуқи учун курашмаётган, уни бошқалар келиб тиклаб бериши керак деган кайфият билан яшаётганлар, ҳуқуқий саводга интилмаётганлар, энг содда сўз билан айтганда, ватан олдидаги қарзларини узмаяптилар.

Бугунги буюк келажак қуриш учун пойдевор ташланаётган улуғ кунларда бир четда қўл қовуштириб, томошабин бўлиб турибдилар.

Ҳақ-ҳуқуқни таниш инсониятга ҳамиша бахт-саодат келтирган. Ахир ҳуқуқни таниш бошқаларнинг ҳам ҳуқуқларини англаш дегани-ку. Англашлар, ўзаро ҳурмат эса инсониятга орзиқиб кутган бахт-саодатни яқинлаштиради, уларни яқинлаштиради. Зеро, ҳуқуқини таниётган, шунга интилаётган ҳар бир фуқаро инсоният бахт-саодати учун мен ҳам хизмат қилаяпман, деб ғурурланмоғи, масъулиятни ҳис қилмоғи шарт.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

*Тарих сабоқлари*

# АДОЛАТ — ЭЗГУЛИК МАШЪАЛИ

Юртимиз азал-азалдан донишманд фарзандлари билан дунёга донг таратиб келган.

XI асрда яшаб ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ана шундай тарихий шахслардан биридир. У ёзиб қолдирган "Қутадғу билиг" асари туркий халқлар маданиятининг энг кўҳна адабий ёдгорликларидан бири саналади. Олти ярим минг байт ёки ўн уч минг мисрадан иборат йирик ҳажмли бу асар айни чоғда дунё халқлари тарихидаги энг қадимий ёзма манбалар сирасига киради. Ушбу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг донишманд инсон, фозил давлат арбоби, билим доираси кенг қомусий олим бўлганлигидан дарак беради.

Бу асар давлат бошқаруви тизимида фаолият олиб борадиганларга мўлжалланган расмий йўриқлар мажмуасигина эмас, балки мутахассислар таъкидлаганидек, аввало, бадиий асар, бадиий адабиётнинг типик намунаси. Лекин у эпопея эмас, том маъноси билан дидактик асар, таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ дарслигидир. Ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия, маънавий камолотга эришиш учун қандай яшаш кераклигининг ифодаси бўлган "Қутадғу билиг" Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш, Ўзғурмиш сингари қаҳрамонлар ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб, мунозаралардан таркиб топган. Бу савол-жавоб, мунозараларда давлатни бошқариш усули, мамлакатда қай тарзда адолатли сиёсат олиб бориш лозимлиги, юрт раҳнамоси — Элит ва унинг атрофидаги амалдорлар қандай бўлиши кераклиги хусусида баҳс қилинади.

Унда баён этилган мулоҳазалар аҳолининг барча тоифаларига тааллуқли эканлиги билан диққатни жалб қилади. Элит — подшо турли тоифаларга мансуб фуқаролар турмуш тарзи, касби-кори, феълатвори, улар билан муомала йўсунини билиши зарур бўлганидай, оддий чорвадор, ҳунарманд, деҳқонларнинг ҳам ҳукмдорлар ҳақидаги орзулари бўлиши асарда ўз аксини топган.

"Қутадғу билиг" муаллифининг давлат бошқарув тизимидаги амалдорларнинг фуқаролар билан мулойим тилда муомала қилиши зарурлиги тўғрисидаги қуйидаги мулоҳазалари ҳам барча миллат вакиллари тилакларини ифода этади.

Бек тилида бўлса ширин, эзгу сўз,
Қул кўнгли ўсади, порлаб кетар кўз.
Эзгу сўз бўлмаса агар ушбу тил,
Очилган чечакдек тез қурийди, бил.

Демак, бек-бошлиқнинг ширин сўзи, мулойим муомаласи қул, тобе кишиларнинг кўнглини кўтаради, яъни янада яхши меҳнат қилишга рағбатлантиради. Уларни қувонтиради. Дунёда барча одамлар тили, дини, эътиқоди, миллати ёки жинсидан қатъи назар, бир оғиз ширин сўздан баҳра олади. Шу ширин сўздан кўнгли кўтарилади.

Юсуф Хос Ҳожиб ёзади: Кишининг кўнгли боққа ўхшайди. Бу боғнинг яшнатувчиси, яъни суви беклар-бошлиқлар сўзидир. Буни қадрламоқ лозим.

Боғни, ундаги дов-дарахт, ниҳоллар, гулларни сув яшнатади. Сув уларнинг яшашига асос бўлади. Ана шу асосдан маҳрум бўлган боғ эса қуриб қолади.

Юсуф Хос Ҳожиб даврида қўлланган ибора билан айтганда, беклар, яъни бошлиқларнинг рост, самимий сўзи, ширин муомаласи кишиларни келажакка умидлантиради. Уларни эзгу ишларга ундайди. Фуқароларнинг эзгу умидлари, астойдил интилишларидан юрт обод бўлади. Ана шундай улуғвор ўзгаришларга етаклайдиган эзгу сўз эса бошлиқлар, давлат бошқарув тизимидаги амалдорларнинг қай даражада билимдон, ўқув-идрокли эканлигига боғлиқ. Юсуф Хос Ҳожиб сўзга, унинг қудратига улуғ донишмандларга хос зукколик билан ёндашади.

Шунинг учун у билим ва ўқув-идрок ўртасидаги тафовутни ҳам ажратиб кўрсатади.

"Билим билан уқув-идрок бир нарса эмас. Уқув-идрок киши миясига жо этилган. Бошнинг азизлиги ҳам шундадир. Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди."

Киши уйга, оддий уй эмас, қоронғи уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машъала каби унга нур сочади, шу уйни ёритади, яъни кишини равшанликка элтади. Оламдаги турли эзгуликлар уқув-идрок туфайли содир бўлади. Билим эса кишини юксалтиради, унга улуғлик келтиради.

Иккови туфайли улуғдир инсон,
Адолатга бошлар улар ҳар қачон.
Билим билан киши жудо ҳайвондин,
Буюкроқ нима бор, қани айт ондин?

Бундан аёнлашадики, адолат асоси билимдадир.

"Қутадғу билиг" аждодларнинг узоқ ҳаётий тажрибасига асосланиб ёзилган. Шунинг учун унда кишилар ҳаёт тарзининг мураккаблиги, одамлар орасидаги муносабатларнинг чигалликлари ҳақида теран кузатишлар баён қилинган ва шу билан бирга ибратли хулосалар илгари сурилган. Юсуф Хос Ҳожиб қаҳрамони Ўғдулмиш тилидан шундай дейди: Оламдаги энг улуғ фазилат эзгу қилиқ ва гўзал хулқдир. Иккинчиси — ростлик, учинчиси ҳаё ҳисобланади. Мана шу уч фазилат бирлашса, киши бахтиёр бўлади, қутиқбол унинг ҳузурига бош уриб келади. Ҳаё ярамас ишлардан тияди. Ҳаёсизлик аслида ёмон дард, бориб турган балодир. Ростгўйлик, ҳаё ва хушхулқ бирлашган жойда бахтиёрлик бўлади.

Афсуски, элига наф бермайдиган одатлар ҳам уч хил бўлади. Уларнинг дастлабкиси ўжар ва феъли ёмон кишилар, кейингиси ёлғон тўқийдиганлар ва ниҳоят, охиргиси бахил ва пасткаш кишилардир.

Юсуф Хос Ҳожиб қаҳрамонлари тилидан шундан дейди: Кимки фароғатли кунни истаса, у феъл-атворини созлаши, тўғрилик ва ростликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли равон, қилмиши эзгулик бўлмоғи, чақимчи ва ёмонлардан узоқ турмоғи шарт. Ёмонлик илонга ўхшайди: у чақиши, ҳатто ҳалок этиши ҳам мумкин.

Дўстликка ярамайдиган шахснинг энг ярамаси — чақимчидир.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир одам хушхулқ, ростгўй, ҳаёли бўлса, жамиятда адолатсизлик содир бўлмайди. Адолат эса барча халқларнинг орзусидир. Жамиятда адолат барқарор бўлиши, кишиларнинг осойишта, фаровон турмуш кечириши учун замин яратади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг, қонун устуворлигини таъминлашнинг бош омили ҳисобланади.

**Фарҳод ТОҲИРОВ,**
**Қурбонбой ТОҲИРОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчилари**



**Бухоро. XIX асрда Чориқулбой томонидан Зарафшон дарёсига қурилган кўприк**

# «ЧИГИТФУРУШЛАР»

***Абдусамат Эрмуродов Ангор туманидаги 13-ХАТП автожамламасида ҳайдовчи бўлиб ишларди. Энг муҳими у ишсиз қолмас, ҳар ҳолда машина юриб турар ва рўзғор ҳам шу туфайли тебраниб турарди. Чунки у бошқараётган юк машинаси Музрабод туманидаги пахта очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан 13-автожамлама ўртасида тузилган шартномага кўра техник чигитни Денов "Сурхонозиқовқат" саноат ҳиссадорлик жамиятига ташиб беришдан иборат эди.***

***Қўли қинғирнинг, дили қинғир дейишади. Шу йилнинг март ойида одатдагидек Музрабод пахта очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти омборхонасидан 1068-сонли юк хати билан 7260 килограмм чигитни ортиб йўлга тушди. У бошқараётган "Камаз" машинаси Денов томон елдек учиб борарди. Жарқўрғон туманига етганда йўлда қўл кўтариб турган йўловчини кабинага ўтирғизди.***

***— Ака, чигитни қаерга олиб бораяпсиз? — Сўрашган бўлди ўзини Рустам деб таништирган йўловчи.***

***— Деновга, ёғ заводига олиб бораяпман, — бамайлихотир жавоб қилди у.***

***— Мабодо, сотмайсизми. Қўлбола жувозим бор, чигит керак эди. Пули нақд.***

***Пулнинг дарагини эшитган Абдусаматнинг дилига шайтон оралади:***

***— Қанча берасиз?***

***— Юкингизнинг нархи 50 минг сўм, — деди харидор.***

***— Бўпти, келишдик, — дея машинани тўғри йўл туриб, эгри йўлга бурди ҳайдовчи...***

***Мўмай пул топишнинг ҳидини олган Абдусамат Эрмуродов 325-сонли юк хати билан машинага ортилган 9290 килограмм техник чигитни Денов бозорига олиб бориб, уни 50 минг сўмга пуллади. Ҳужжатлардаги қабул қилиш жойига ўзи қалбаки имзолар чекди. Қараса, ишлар силлиқ битяпти. У қинғирлигини яна давом эттирди. Шу мақсад билан январь ойида 494-сонли юк хати билан 7880 килограмм техник чигитни ортганича тўғри Денов бозори ёнида тўхтаб, харидор излади. Унинг "ови" бароридан келди. Шу ўртада юрган ўрта яшар бир киши унга яқинлашди.***

***— Чигитни сотасизми? — сўради у.***

***— Сотаман, нархи 50 минг сўм, — дангал савдога ўтди Абдусамат.***

***— Мабодо ўғирланган эмасми? — шубҳаланган-дай сўради харидор.***

***— Йўқ, иш ҳақимга беришган.***

***Ўзаро келишувга биноан чигит сотилди.***

***— Яқинда яна олиб келаман, сизни қаердан топиш мумкин? — деди қаҳрамонимиз.***

***— Мени суриштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шу ерга келсанг, ўзим сени топаман, — деб илжайди харидор.***

***Кўп кулган, бир йиғлар экан. Чигитфруш ҳайдовчи А.Эрмуродовнинг қинғирлиги очилиб қолди. Музрабод туман судининг шу йил 5-сентябрь кунидаги ҳукми билан у 257 минг 250 сўмлик жаримани давлат фойдасига тўлашга мажбур бўлди.***

* * *

***Шўрчи тумани Охунбобоев жамоа хўжалигининг Култепа қишлоғида истиқомат қилувчи Икром Соатов ҳам ўзига тегишли бўлган Т-28 русумли трактор билан "тадбиркорлик" қилмоқчи бўлди. У Музрабод пахта очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти омборхонасидан 9-сонли юк хати билан 4830 кг., 33-сонли юк хати билан 4720 кг., 58-сонли юк хати билан 8120 кг., хуллас, жами 31 минг 60 кг техник чигитни Денов ёғ заводига олиб бормасдан Жарқўрғон, Денов, Шўрчи туманларидан мижозлар топиб, сотиб юрди.***

***Кўрмаганнинг кўргани, юрмаганнинг юргани ёмон экан. Давлат мулкини ўз билганича талон-тарож этган Икром Соатовнинг қинғир ишлари ўтказилган солиштирув тафтишида очилиб қолди. Оқибатда Музрабод туман судининг 17-сентябрь кунидаги ҳукмига кўра 317 минг 179 сўмлик зарарни давлат хазинасига тўлайдиган бўлди.***

***Бундай қинғирлик ҳар икки "ишбилармон" рўзғори файзи-баракасини учириб, халқ орасида обрўйини туширди...***

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



**Нурота. Чашма зиёратгоҳи**

## Савол беринг!

***Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.***

***Мен қуйидаги савол билан мурожаат қилмоқчиман: агар кимдир суд ҳукмида қўшимча жазо сифатида ЎзР ЖКсининг 45-моддасига асосан мансаб ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, шу муддат қайси кундан бошлаб ҳисобланади ва аниқ бир мансаб ишиданми ёки ҳар қандай мансаб ишиданми?***

**Олимжон ИСАНОВ,**
***Жиззах шаҳри***

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 45-моддасида кўзда тутилган "Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш" жазоси бевосита асосий ва қўшимча жазолар сифатида суд томонидан тайинланиши мумкин.

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади. Бунда суд томонидан айбдор жиноятни бевосита эгаллаб турган мансабидан ёки шуғулланган фаолият туридан фойдаланиб содир этилганлиги инобатга олиниши лозим.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда — бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан Жиноят Кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

**Саволга ТДЮИ "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси Ғайрат ЭРМАТОВ жавоб берди.**

## Оталар дейдики:

*Ҳасад банданинг яхши амалларини худди олов ўтинни ёндирган-дек ёндирур. Ҳасад барча сифатларнинг тубанлиси ва барча хислатларнинг жирканчлиси эрур.*

* * *

*Ғийбат қилувчилар ўлимтик егувчи қуртлар кабидурлар. Зеро инсонда одамийлик сиёқи бўлса ўлимтик гўштни истеъмол қилмас.*

* * *

*Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак: тезлик ва шошма-шошарликдан, қаҳр-ғазабдан, бахиллик ва хасисликдан, мақтанчоқлик ва такаббурликдан.*

* * *

*Қудратлилик молу дунё кўплигида бўлмаганидек, улуғлик ҳам ёш кўплигида эмас — ақлдадур.*

* * *

*Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишдир.*

*Жаҳон тажрибаси*

# СОЛИСИТОР ВА БАРРИСТЕР

Аввало, шуни айтиш жоизки, Буюк Британияда ҳуқуқшунослар катта мавқега эга. Мамлакатда ҳуқуқшунослик касби алоҳида тизим сифатида қонунчилик ва суд ҳокимияти тизими билан ёнма-ён фаолият олиб боради. Лекин Шимолий Ирландия ва Шотландияда юристлар фаолияти Англия ҳамда Уэлсдагидан бирмунча фарқ қилади. Англия ва Уэлсда юристлар икки гуруҳга, яъни солиситор ва барристерларга бўлинади. Умуман айтганда, Буюк Британияда юристлар асосан солиситорларни ташкил этади. Солиситорлар барча юридик масалаларда маслаҳатчи ҳисобланади. Улар томонидан судларда мижозлар манфаатлари ҳимоя қилинади. Англия ва Уэлсда солиситорлар 69 минг нафарга яқин кишини ташкил этади. Уларнинг ҳар бири юқори малакали ҳуқуқшунослар бўлиб, Юристлар жамиятининг аъзоси ҳамда ахлоқ кодексига сўзсиз бўйсунувчи шахслар ҳисобланади. Солиситорлар ўз мижозлари билан шартнома асосида вакиллик хизматини амалга оширади. Яна шуни айтиш керакки, солиситорларнинг 90 фоизи хусусий фирмаларда фаолият кўрсатишади. Англия ва Уэлсда 10 мингга яқин солиситорларнинг юридик фирмалари мавжуд. Солиситор мустақил фаолият юритиши учун камида 3 йилдан кам бўлмаган муддатга юристлар жамияти малака комиссияси томонидан имтиҳондан ўтиши шарт.

Солиситорлар фирмалари ҳатто АҚШ, Европа, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларида ўз бўлимларига эга. Бундан ташқари, йирик фирмалар кечаю кундуз тўхтовсиз фаолият юритади. Бу эса солиситорлар хизматига қўшимча эҳтиёж туғдиради. Буюк Британия қонунчилигида солиситор ва барристерлар томонидан юритиладиган ишлар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга мамлакатда юридик хизмат кўрсатиш соҳасида монополияга йўл қўйилмайди.

Ўн фоизга яқин солиситорлар юридик бўлимига эга бўлган маҳаллий ёки ҳукумат муассасаларида ёхуд савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёлланиб меҳнат қилади. Улар хизмат доирасида ўзлари даҳлдор корхона манфаатларини ҳимоя қилади ва тегишли юридик хизмат кўрсатишади. Шунингдек, 1600 нафарга яқин солиситор доимий равишда Қироллик прокурорлик хизматида фаолият олиб боради.

Ёлланиб ишлаётган солиситорлар ҳам хусусий амалиёт билан шуғулланаётган солиситорлар сингари тенг мақомга эга. Улар фақат битта мижозга юридик хизмат кўрсатиши билан хусусий тартибда ишлаётган солиситорлардан фарқ қилади.

Солиситор Англия ва Уэлснинг барча ҳудудида истиқомат қиладиган мижозига хизмат кўрсатиши мумкин. Солиситорлар кўплаб ишларда адвокатларга ўхшаб вакилликни амалга оширишлари қонунчиликда белгилаб қўйилган. Мерос, соғлиққа етказилган зарарни ундириш, никоҳ ва оила масалаларига оид ишлар асосан солиситорлар томонидан юритилади. Жиноий ишларда ҳам улар маслаҳатчи ёки ўз мижозлари номидан иш юритишлари мумкин.

Тадбиркорлик, яъни бизнес соҳасида ҳам солиситорлар хизмати анча салмоқли ўрин тутади. Тадбиркор солиқ ва бошқа молиявий соҳаларда солиситордан зарур маслаҳатларни олиб туриши, кредит олиш, уй-жой харид қилиш, меросни расмийлаштиришда вакил сифатида ҳам тўла иштирок этиши мумкин. Айниқса, бизнес соҳасидаги солиситор банк, аудитор, фонд биржалари ва бошқа молиявий институтлар билан яхши алоқа ўрнатган.

Англияда солиситорлар ихтисослашган фирмаларда ҳам фаолият юритади. Бу фирмалар банк ҳуқуқи, савдо ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ, суғурта ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқи масалаларига ихтисослашган бўлиб, алоҳида билим ва қобилиятга эга бўлган солиситорларни бирлаштиради.

Яна шуни айтиш лозимки, солиситорлар фаолияти халқаро шартномалар тузишда алоҳида аҳамият касб этади. Англияда дунёнинг йирик савдо ва банк муассасалари жойлашгани сабабли бу ерда тез-тез халқаро миқёсдаги йирик шартномалар тузилиб туради. Лондон савдо судига низоли ишларда мурожаат қиладиган хорижий компанияларнинг ишлари суд ишининг 80 фозини ташкил этади. Шу боис инглиз солиситорлари дунё миқёсида баланд нуфузга эга. Шунингдек, Англия қонунчилиги ва одат ҳуқуқи кўп мамлакатларнинг ҳам қонунчилик асосларини ташкил этади. Хусусан, Европа Иттифоқи учун инглиз солиситорлик хизмати муваффақият манбаи ҳисобланади. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар қонунчилиги билан танишиб бориш ва мижозлар кўламини кенгайтириш учун Брюсселда (Европа Иттифоқининг марказида) 35 дан ортиқ инглиз юридик фирмалари ўз бўлимларини очган. Бундан ташқари, Англия Юристлар жамияти ҳам Брюсселда ўз бўлимини ташкил этган. Бу инглиз солиситорлари учун бутун дунёда халқаро тизимда фаолият юритишларига кенг имконият яратган.

Англия ва Уэлсда 8 минг нафарга яқин барристер мавжуд. Барристерлар — алоҳида хизмат кўрсатадиган, хусусан судларда ишларни кўриш билан боғлиқ масалаларда маслаҳатчи ёки адвокатлик хизмати кўрсатадиган юристлар ҳисобланади. Улар асосан судларда далиллар тўплаш, исботлаш ва ишларни юритадиган адвокатлик санъатини эгаллаган кишилардир. Англия қонунчилигига кўра барча ишлар солиситорлар томонидан юритилади, суд ишларида эса солиситорлар тайёрланган материалларни кўриб чиқишни давом эттиришни барристерларга ўтказишади. Чунки барристерлар катта маҳорат, чуқур билим ва тажрибага эга бўлган, обрўли юристлардир.

Барристерлар мустақил ишласаларда, мижозлар билан бевосита фаолият юритмайдилар. Уларнинг ишончли солиситорлари мижоз билан дастлабки ишларни юритади, ишни судда кўриб чиқишга тайёрлайди ва ундан сўнг ишни барристерга топширади. Мижоз ўз даъво материалини дастлаб барристернинг ёрдамчисига топшириши керак. Барристернинг бир неча ёрдамчиси ҳам бўлиши мумкин. Барристерларнинг касбий ташкилоти Адвокатура Бош кенгаши ҳисобланади. Бу ташкилот Юристлар уюшмаси билан ҳамкорликда иш юритади.

Юридик ўқув юртларини битирганлар Юристлар жамиятида бир йиллик "Юридик амалиёт" (LPC) курсини ўтагандан сўнг яна икки йил солиситорлар фирмаларида ҳуқуқнинг барча соҳаларида амалиёт ўқув курсини ўтайдилар ва ундан сўнг тегишли сертификат оладилар. Бундай тартиб Европа Иттифоқи мамлакатларидан келган ёш юристларга ҳам татбиқ этилади.

Юристлар жамияти барча солиситорлар манфаатларини ҳимоя қилади, давлат органлари ва ҳукумат олдида тегишли вакилликни амалга оширади. Юристлар жамияти девонида етти юз нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатади.

Англия ва Уэлсда бошқа мамлакатлардаги каби судьялар алоҳида касб эгалари ҳисобланмайди. Улар солиситорлар ва барристерлар орасидан тайинланади. Бу ҳол келгусида ишларни судда кўришда ҳам, кадрлар муаммосини ечишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Бобоқул ТОШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Нуқтаи назар*

# ТИРИКЧИЛИК "ИЛМ"И

Бўлиқ тупроқни киприклари билан тешиб ўтиб, ёруғликка, ҳаётга интилган майсанинг жасоратида яшашга бўлган бўйсунмас кучни кўрамиз. Табиатнинг бу мўъжизаси одамлар ўртасидаги шарҳлаш оғир бўлган муносабатлар таҳлилидан чарчаган зеҳнимда чақин чаққандек бўлди: ахир, барча ҳаракатларни, муносабатларни бошқариб турувчи Буюк Куч бор-ку! Новдаларнинг япроқларга бурканиши, ғунчанинг гулга айланиши, кейин мева тугиши шундай қудрат борлигини энг оддий тарзда такрорлаб турмаяптими? Инсон қанчалик ўзига бино қўймасин, шу юмушларнинг барини бажара олмайди-ку. Уни қўйинг, дарахтнинг сон-саноқсиз баргларидан бирини ясаш кимнинг қўлидан келади? Буюк куч олдида ўша япроқдек ожиз инсон баъзан ўз қавмига шунчалар зиёдасарлик қиладики, ундайлар ҳақида "худосини ҳам танимайди", деган ибора ўринли тўқилган.

Сени ўзига яқин олиб, юрак дардини тўкиб солган одамга бирор кўмак беролмасанг, қийин бўларкан.

— Тақдирим Яратганга қолганда пешонамдан кўрардим, — деди кап-катта одам аламдан дағ-дағ титраб, — Еярман-ичарман беш болани боқиш ўзи бўладими? "Кўзингни ўйиб бер" деса, тайёр эдим. Бироқ бунча пулни қаердан оламан?

Бирор нарса деб таскин беришга ожизсан. Фақат шу бечорага таъмагирлик қилган одамнинг ҳам фарзандлари бормикан, деган энг оддий андиша фикрдан ўтади. Ота-она ўз дилбанди учун ҳамма нарсага тайёр, бироқ йўқни йўндириб бўлмайди.

Рости, ҳаётда онда-сонда бўлса-да, амалини, вазифасини, касбини пеша қилиб, таъмагирлик қилаётган кимсалар учраб туради. Бироқ бу тўгарак, ҳисоб-китобли дунёда олмоқнинг бермоғи, емоқнинг қусмоғи борлигидек, ҳамма ишнинг ажри ёзилган-ку!

Муҳокама шу ерга келганда фикр чувалашиб кетади. Ибратлар, далиллар, хулосалар — кўзнинг очилишига ундовчи маърифатлар шунчалар кўпки, ҳаммасини шарҳ этишга йиллаб вақт керак бўлади. Қаршимда зор қақшаб ўтирган инсон изтироблари таъсирида баъзи воқеаларни эсладим, тафсилот ва суҳбатлардан парчалар келтирдим.

## ТАНИШИМНИНГ ҲИКОЯСИ

— Ўзимнинг бировларнинг кўзига бунчалар ожиз, ҳатто нотавон кўриниб қолганимни сезмас эканман.

Бир куни очиқ эшикдан ёш ҳамкасблардан бири илтифотсизлик билан кириб келди-да, қаршимда ўтириб, одатдаги мулозаматлар билан гапини бошлади.

Унга ҳар куни кўзим тушганидан, баъзан иш юзасидан мулоқотда бўлганимдан, юриш-туриши-ю қош-қовоғидаги ҳар бир ўзгариш зеҳнимда акс этаверарди. Фақат акс этаверарди эмас, муҳрланиб қолганди. Ундаги улғайиш тадрижини ўзимнинг шу ёшдаги ҳолатим билан таққослайман. Азбаройи омади чопиб, беобрў жамоага қўшилиб қолгани-ю унинг бу имкониятдан қандай фойдаланиши мумкинлиги менинг беихтиёр муҳокама майдонимга айланиб қолган. Фикратимда ёш ҳамкасбимга нисбатан икки қутб шаклланган: бири — у шу зайлда изчил улғайиб борса, соҳанинг етук арбобларидан бири бўлиши мумкин, деган тахмин бўлса, иккинчиси, кўпларни ғарқ қилган оқимдан чиқиб кетолмаса керак, у ҳам 2-3 йилда ҳамманинг кунига тушиб қоладиёв, деган хавотир эди. Дастлаб, биринчи қутбдаги далиллар ишончли эди. Ишда фидойилик, ҳафсала етарли эди унда. Илмий кенгаш йиғилишларида қўйилган масаланинг кўпчилик илғамаган жиҳатлари хусусида асосли фикрлар билдириб, тезда назарга тушди. Ҳатто оқсоқоллардан эътирофлар ҳам эшитди. Мен эса хавотирда эдим: мақтов болакайни довдиратиб қўймаса эди. Шундай ҳам бўлди, кўпчиликнинг назарини ўзига қаратдию ботинидаги "айбгина"лари кўзга ташланиб қола бошлади. Ўзи лаънати кўпчиликнинг эътиборини қозониш қийин нарса-да. Юзингни ўзинг кўролмаганингдек, ҳаракатларингни ҳам ўзинг баҳолай олмайсан. Баҳолаганда ҳам ҳаммаси ижобий туюлаверади. Атрофингда эса тошни тешадиган назарлар сенинг ҳар қилиғинг-у сўзингдан маъно ажратиб, ўз тамғасини қўяди. Бунинг устига мисқоллаб йиғилган обрўни бир лаҳзада ҳавога совуриш ҳам мумкин. Хуллас, шундай синовда қолган ёш ходимга муносабатлар иккинчи қутбга томон ўзгара бошлади.

Аввало, унинг феъл-атвори баъзи нуқсонлардан холи эмасди. Кўплаб ёшлар каби жиззаки, бунинг устига мақтанчоқликка мойил экан. Аста-секин илмий баҳсларда ўзини йўқотиб, асабини тутолмайдиган бўлиб қолди. Бир сафар обрўли мутахассислардан бирига қараб "Менинг ўрним сиздан юқорироқ бўлиши керак", деб юборди. Кейин ёлғончилиги ҳам бор экан. Энди "беайб — парвардигор" деганларидек, бундай қусурлар кўпчиликда учраши табиий. Шу андиша билан уни маъзур тутиб, нафси қанақа экан, қўли ҳалол, дили покмикан, деб мулоҳаза қилардим. Чунки кўпчилик айни пайтда худди шу масалада қоқилаётган эди.

Рости, атрофингдаги кишига, ўз ҳамкасбингга нисбатан шунчалик даражадаги мулоҳаза билан қараш табиий, бироқ бирон марта унга "ундай бўл, бундай бўл" демадим, бунга зарурат ҳам, ҳожат ҳам йўқ эди. Негаки, муносабатларимиз шунчаки иш доирасида эди, фақат менга бироз ихлос билан қарашини сезардим.

Икки йиллар ишлагач, гарчи маоши юқори даражада бўлмаса-да, кийинишлари башанглаша бошлади. Бу ҳеч кимни ажаблантиргани йўқ: кўпчилик ёшлар ҳам ишлаб, ҳам тадбиркорлик қилишаяпти, қандини урсин. Бир кун у қўлида қимматбаҳо сумкачани ўйнатиб ишга келди. Кейин эса унча-бунча одамнинг бўйи етмайдиган чарм чакмон кийиб юрадиган бўлди. Рафтори ҳам ўзгариб қолди, қўлини шимининг чўнтагига тиқиб, йўлакдан беписанд ўтиб қолади. Мен ички сезги билан унинг ўзгараётганига ишона бошладим, фақат бу нима туфайли эканини англаб етганим йўқ эди. Кенгаш йиғилишларида ўзини тутиши ҳам бошқачароқ бўлиб қолди. Фикрларининг салмоғи камайган бўлса-да, овози шиддатли, кесиб-кесиб гапиришни одат қилди.

Ана шу ёш ҳамкасбим бугун негадир калласи оғиб, хонамга кириб қолди. Кайфияти анча чоғ кўринар эди. Ҳаракатлари шаҳдам, тетик. Суҳбатимиз нимадандир нолиш билан бошланди. Мен ҳам ярим ҳафсаласизлик билан нимадир деб минғирладим. Шунда суҳбатдошим кўзимга тик боқиб сўз бошлади.

— Халил ака, сиз бундай қийналиб юрманг.

Бу довдир нима деяпти? Наҳотки, менинг ҳолатим унга "қийналиб юриш" туюлган бўлса? Ўзи ботиний юкданми ёки сермулоҳазакорликданми, оғир карвон бўлиб қолганимни билардим. Бироқ бу нарса азоб бераётгани йўқ, фақат сийратим суратимга кўчгандир. Эътирозимни эшитмай яна давом этди.

— Яшаш тарзини ўзгартиринг!

Агар дастлаб қизишган бўлсам, энди қизиқиш билан сўрадим:

— Хўш, нима қилишим керак?

— Пора олинг, — деди салмоқлаб ва биринчи сўзга урғу бериб.

У бу гапни ва ундан кейин нима дейишни обдон ўйлаб олган экан чоғи, тўхтамай давом этди:

— Ҳамма шундай қилаяпти ҳозир.

Рости, қотиб қолдим. Маст бўлиб олган қуённинг шерга дўқ қилгани ҳақидаги латифани эшитган эдим, ўшанда шер, билмадим, қандай аҳволга тушган, бироқ мен ўзимни йўқотаёздим. Қаршимда она сути оғзидан кетмаган гўдак мен ақлим билан англай олмаган ҳақиқатимни боларча ўйинқароқлик билан эрмак тарзида такрорлаб, менга сабоқ беришга уринарди гўё. Лекин у бола эмас эди, у шароитга жуда тез мослашган, кўплар ботина олмай турган кўлмакка тизза уриб, ундан ризқини қидириб, еб юрган уддабурон жаноб эди. У оғзида мазаси қолган луқмасининг таъми билан менга дадил сўз қотарди. Шу аснода уни жеркиб ташлашим ё хонадан қувиб солишим мумкин эди. Бироқ у менга арзийдиган гуноҳ қилмаган эди. Менга укаларча, юракдан маслаҳат бераётган эди. Нима бўлганда ҳам, ўзимни қўлга олдим, бўғзимдаги ғазабни ичга ютдим, ҳатто унга ним табассум билан тикилишга ўзимда куч топа олдим. Орага маъносиз сукунат чўккан эди, уни бузиб, шундай дедим:

— Укажон, мен бундай қила олмайман.

Кейин жўшиб гапириб кетдим: "Йўқ, бу ишни мен қўрққанимдан, қила олмайман, демайман. Юрагим отнинг калласидек. Ёки уқувсизлик туфайли ҳам эмас — ҳар қандай муттаҳамликнинг уйини куйдираман. Йўқ, мен ундай одам эмасман. Менинг жоним битта, мен дунёга бир марта келаман. Мен учун бойлик эмас, жоним азиз. Мен унақа ишларни қила олмайман, атайлаб қилмайман"

Албатта, менинг бу гапларимни ёш суҳбатдошим шунчаки чираниш, деб тушунди ва елка қисганича хонадан чиқиб кетди. Ҳар ҳолда унда ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончи зўр эди.

## "КИТОБ"ДАН

Оллоҳ инсонни фаришта ва ҳайвон оралиғида яратди. Унинг борлиғида ана шу икки унсур мужассам. Инсон танасидаги барча вужудлар бошқачароқ кўринишда ҳайвонларда ҳам мавжуд: кўз, қулоқ, оёқ, қўл, юрак... — умумий тарзда ҳадя этилган. Аммо инсоннинг фаришталарга яқинлиги шундаки, унинг кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган олами бор. Мана, севги, деймиз, у нима? Бундай тушунчалар фақат ҳис қилинади. Ёки ақл, фикр, орзу, шодлик сингари тушунчаларни ҳам қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайди.

Агар тана юрак орқали бошқарилса, мавҳум олам эса қалб орқали бошқарилади. Қалбни ҳам кўриб бўлмайди, уни Яратганга тегишли, дейдилар.

Тоза қалбларда Оллоҳ жамоли акс этади, кир қалблардан эса барча эзгуликлар қочади. Тоза қалблардан туғилган сўз қалбларга тўғри йўл топади, қўшиғи қалбларни кашф этади. Тоза қалбли олимларгина энг буюк ихтиролар ярата оладилар. Чунки бундай кишилар билан ҳар доим Яратган бирга бўлади. Қалби нопок кимсалар эса бундай саодатдан маҳрумдирлар, шунинг учун улар фақат вужудларининг лаззати учун яшайдилар. Тўйиб еб-ичиб, давру даврон суриб, дунёдан ўтадилар.

Тоза қалбли одамлар борлигидан дунё ўз меҳварида боқий айланиб туради. Агар улар бўлмаса, қиёмат қойим бўлади. Ана шундай мувозанат бузилган пайтларда табиий фалокатлар рўй бериб, қишлоқ-шаҳарларни ер ютган, тошқинлар рўй берган, урушлар чиққан.

Палаги тоза кишиларга Оллоҳ насиб этган ризқдан ўзгаси татимайди. Мабодо, бу шартни бузсалар, бирон зиён кўриш эҳтимоли аниқ.

Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган кимсаларнинг зуваласида ҳаром унсурлар бўлади. Улар ё зинодан туғилган, ё ҳаром-ҳариш луқма еб улғайган чиқади.

Нафсни енгиш энг катта қаҳрамонликдир.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

*Жиноят ва жазо*

# КЎМАЧИГА КУЛ ТОРТГАНЛАР

Ҳаётда эзгуликнинг жаҳолат, яхши амалларнинг номақбул феъл-атвор билан муросасиз курашидан ҳар бир мулоҳазали одам ўзига тегишли сабоқни чиқариб олади. Халқимизнинг бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил, деган ҳикмати замирида бир дунё маъно бор. Фикр қилишга, мақбул хулосалар чиқаришга ақли торлик қилган баъзи бир кимсалар теварак-атрофда рўй берган айрим ножўя хатти-ҳаракатларни, ҳатто жиноятни ҳам баъзан турмушнинг "ночор"лигига, "етишмовчилик"ка йўйишади. "Рўзғор тебратиши қийин бўлгандир, етказа олмагандир-да", дея қўли қинғир, товламачи ёки порахўрлик, таъмагирликка қўл урган кимсаларни оқламоқчи бўлади.

Аслида ҳам шундайми?

Бизнингча, "етказа олмаслик"нинг икки сабаби бор: бири, меҳнатга бўйин ёр бермай, енгил-елпи йўллар билан ҳаром-ҳаришдан жирканмай пул топишга одатланиш бўлса, иккинчиси, нафс қутқусига учиб, ортиқча ҳою ҳавас, сохта ном қозониш, бировдан ортда қолмасликка тиришишдан иборатдир.

Биз иззатни қаноатда топган, борини ошириб, йўғини яшириб келган буюк халқнинг авлодимиз. Ҳаёт ва турмуш одоби билан боғлиқ урф-одатлар, тамойиллар жуда қадимдан ривож топган. Шу жумладан, бир хонадонга меҳмон бўлиб бориш тартиби ёки мезбоннинг бурч ва вазифалари кўп қадим анъаналарга эга. Бироқ яқин ўтмишда, яъни шўролар даврида халқимизнинг асрий урф-одат ва анъаналари унутилди. Шунинг оқибатида меҳмон кутиш еб-ичиш, аниқроқ айтганда, ичкиликбозликнинг меъёрию, миқдори билан белгиланадиган бўлди. Фалончи тўй қилди, деган хабарни эшитсак, энг аввало, неча яшик ароқ берибди, деб сўрайдиган бўлдик. Аслида бундай қараш, миллий қадрият сифатида улуғланган тўй-маъракаларга, ота-боболаримиз анъаналарига мутлақо ётдир.

Истиқлолга эришгач, халқимизнинг минг йиллик қадриятлари, миллий анъана ва удумларини қайта тиклаш йўлида тенгсиз ишлар амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Шу маънода ахлоқ ва одоб меъёрларига риоя этиш, бу қадриятларни эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи лозим. Акс ҳолда...

Сирдарё вилоят Оқ олтин туманидаги Сардоба қўрғонида рўй берган хунук бир воқеа оддий турмуш одобини сақламаслик, урф-одатларимизга беписанд қараш ва нафсни тия билмаслик мудҳиш оқибатларга олиб келишини рўй-рост кўрсатади.

Сардоба қўрғонидаги ўнинчи уйда истиқомат қиладиган икки қўшни шаҳардан кўчиб келган Акрам Маҳмудовни "юз ойдин" қилиш баҳонасида унинг хонадонида йиғилишади. Исабек Бедилов Б.Спановнинг ёнига олиб, бир шиша ароқни қўлтиғига қистирган қўйи меҳмондорчиликка боради. Улар ароқни "майда"лаб ўтирганида "ис олган" бошқа қўшнилар, жумладан, Жангел Сапархонов ҳам пайдо бўлади. Ичкилик таъсирида қизишиб олган қўшнилар бир-бирларини гўё илк марта кўриб-таниб тургандек, жуда иноқ бўлиб қолишади. Шундан сўнг улар алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, ичкилик қидиришга тушишади. Буткул маст бўлиб қолган Ж.Сапархонов қўни-қўшниларникига бош суқиб, И.Бедилов билан томоқларини ҳўллашни давом эттиришади.

"Оёқ югуриги — ошга, оғиз югуриги — бошга", деб бежиз айтишмаган. Кутилмаганда икки қўшни Исабек ва Жангелнинг ўртасида гап қочади. Жангелнинг маст-аласт ҳақоратларига чидай олмаган Исабек уни уриб йиқитиб, тепкилай бошлайди. Оғир зарбалардан миясига қон қуйилган Жангел Сапархонов ўша оқшом вафот этади.

Албатта, воқеанинг қисқа тафсилотидан ҳам бу жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини илғаб олиш қийин эмас. Келинг, энди бу жиноятнинг содир этилишига имкон туғдирган иллатларни таҳлил этиб кўрайлик.

Жиноятни содир этган шахс И.Бедилов илгари ҳам ғайриқонуний ишларга қўл урган ва шунинг оқибатида судланган, жазони тўлиқ ўтаб чиққан. Аммо у нопок қилмишидан тегишли хулоса чиқара олмаган. Бунинг устига бир ишнинг бошини тутмай, бекорчилик билан кун ўтказиб юрган. Унинг мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб юришидан нафақат қўни-қўшнилар, ҳатто Оқ олтин туман ички ишлар бўлимининг масъул ходимлари ва участка нозирлари ҳам хабардор бўлишган. Бироқ на маҳалла-кўй, на орган ходимлари унинг оёқ олиши билан жиддий қизиқиб кўрмаган. Маълум бўлишича, уни рўйхатга олиб, бирор жойга ишга жойлаштириш, тарбияси билан шуғулланиш деярли ҳеч кимни қизиқтирмаган. Бир сўз билан айтганда, у ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу масаланинг бир томони.

Келинг, энди айни жиноят содир этилган жой ҳамда вазиятга эътибор қаратайлик. Меҳмондорчиликда ўтирган қўни-қўшнилар И.Бедиловнинг ким эканлигини жуда яхши билган. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг одам ўлдиришгача етиб борган хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлишган. Бундай дейишимиз бежиз эмас, албатта. Чунки А.Маҳмудовнинг уйидаги ўтиришдан сўнг жиноятчи ҳам, жабрланувчи ҳам яна айнан шу уйнинг эшигини тақиллатиб, ароқ излаб келишган. Ҳатто шовқин-сурон қилиб, тўполон кўтаришган. Яна шуни айтиш керакки, тахминан соат ўн иккиларда тағин айнан А.Маҳмудовнинг уйи олдида улар муштлашишган, уларнинг бири йиқилиб қолган, иккинчиси эса хумордан чиққунча тепкилаган. Бироқ айни шу хунрезликни деразалардан бош чиқариб, кўриб турган қўшнилар ҳам, уларга шерик бўлганлар ҳам ҳеч қандай муносабат билдиришмаган. Улар оч қорним, тинч қулоғим қабилида иш тутишган. Қўшнилар фақат эрталаб Жангелнинг ўлиб қолганини эшитгач, гўё ўзларига келишган.

Судда гувоҳ тариқасида иштирок этган қўшниларнинг айримлари берган маълумотларга эътибор қилинг. Бауржон Спанов:

— Исабек билан Жангелни кўчага кузатиб чиққанимда, қаттиқ мастлигим туфайли йиқилиб тушдим. Хотиним мени уйга олиб кириб кетди, ундан кейин нима бўлганини билмайман.

Бошқа бир гувоҳ Мақсуда Эрназарова:

— Соат 12.00 лар чамаси бўлса керак, кўчада шовқин-сурон эшитилди. Мен нима гап экан, дея балкондан ташқарига қараган эдим, маст ҳолда Бедилов Исабек қўшниси Сапархонов Жангелни ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, ураётган экан. Балконда туриб, уйларингга кириб ётсанглар бўлмайдими, деб насиҳат қилдим. Сўнг уйга кириб кетдим.

Нимасини айтасиз, жиноятчи ва жабрланувчининг ён қўшнилари Ў.Каримова, М.Жалолов, У.Эргашев, А.Маҳмудов, Ў.Сафархонов ва бошқалар ҳам гувоҳ сифатида судда кўрсатма бериб, шунга ўхшаш гапларни айтишган. Уларнинг кўрсатмаларини эшитиб, таажжубга тушмай иложингиз йўқ: улар рўй берган воқеадан хабардор эди-ку, наҳотки, бир уйда, ёнма-ён яшаб туриб, бир дастурхон бошида ўтириб-туриб, оддий томошабин бўлиб қолаверишди экан?! Ҳа, ҳамма бахтсизлик шундаки, биз кўп ҳолларда уйимиз бўсағасидан нарида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ўта лоқайд қараймиз. Оқибатда эса...

Албатта, биз бу ўринда жиноят содир бўлган уйда яшовчиларни айбдор деган фикрдан йироқмиз. Модомики, қўшничилик бор экан, бир-бирларига ҳурмат кўрсатиб дастурхон ёзишар экан, қандай қилиб ораларидаги И.Бедиловдай ҳаётдан адашган кимсани ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ҳеч бўлмаганда, уни ароққа тўйдириб, энг оғир жиноят — одам ўлдиришгача боришини бир четда томошабин сифатида кузатиб туриш мумкин?!

Шунинг ўзи энг катта лоқайдлик эмасми?! Фақат ўз кўмачига кул тортиб ўтирган бундай одамларнинг ҳам хонадонига, оиласига эрта бир кун бахтсизлик ораламайди, деб ким кафолат беради?! Исабек Бедиловга ўхшаганлар бошқа уйларда, маҳаллаларда ёки қишлоқларда йўқ дейсизми?!

Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирар, дейди халқимиз. Аҳиллик, яхши қўшничилик фақат дастурхон ёки салом-алик билан чекланмайди. Ижтимоий хавфли одам билан бир уйда истиқомат қилиб, у жиноят содир этаётганда кўзни чирт юмиб, уйига бекиниб ўтирган қўшниларни ким деб аташ мумкин?!

Умуман айтганда, Оқ олтин туманида рўй берган бу жиноят билан боғлиқ мулоҳазаларимиз шундай хулосаларга олиб келади: жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари кўп ҳолларда атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга бепарволигимиз, оч қорним, тинч қулоғим, қабилида иш тутишимизга бориб тақалади. Онгли фуқаро сифатида ҳушёрликка одатланмасак, уйимизда, маҳалламизда, қишлоқ ёки шаҳримизда бўлиб турган ўзгаришларга фаол иштирок этмасак, жамиятимизни ҳар хил иллатлардан тозалашга кўмаклашмасак, бир кунмас бир кун ўзимиз ҳам шу иллат жабрини тортамиз.

Хуллас, нафсини тия билмаслик, бўсағасидан нарини кўра олмаслик, лоқайдлик ва бепарволик бир одамнинг ўлими ва шу жиноятни содир этганнинг 18 йил озодликдан маҳрум этилгани билан хотима топди. Жиноят эшигимизни қоқмасдан бурун огоҳ бўлайлик, қаноат билан иззатимизни кўтарайлик, азизлар.

**Ислом УМАРОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



Чавандозлик — довюраклар касби


## ДИҚҚАТ, «ОБУНА — 2002»!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2002 йил учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қуйидаги расмий даврий нашрларига**

### обуна эълон қилади

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ» ва «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ АХБОРОТНОМАСИ»**

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси ҳар ойда икки марта ўзбек ва рус тилларида нашр қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг матнларини тезкор ва ўз вақтида чоп этилишини таъминловчи ягона расмий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламига янгидан қабул қилинадиган:
— Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
— Олий Мажлис қарорлари;
— Конституциявий суд қарорлари;
— Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари;
— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг меъёрий тусдаги барча матнлари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган умумий мажбурий тусдаги идоравий меъёрий ҳужжатлар киритилади.

Обуна барча алоқа бўлимларида, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ» Нашриёт уйида (тел.: 144-71-87), Даврий нашрлар Агентлигида (тел.: 139-17-54) ва Ишбилармонлик адабиётларини тарқатиш Агентлигида (тел.:41-78-29, 41-77-06) ҳамда даврий нашрларни тарқатувчи бошқа ташкилотларда амалга оширилмоқда. Батафсил маълумотларни Адлия вазирлигининг 133-69-72 телефони орқали олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномасига обуна биргаликда амалга оширилади.

**Обуна индекси — 916**


## *Оталар дейдики:*

*Ҳаё инсон учун энг шарафли ва мақбул хислатдир.*

* * *

*Ҳаё имон дарахтининг шохидур ва олам барқарорлигига сабабдур.*

* * *

*Адолат барча фазилатларнинг аълосидур. Зулм эса энг ярамас ва тубан ишдир. Адолат натижасида молу мулк доимий, мамлакат фаровон, хазина мўл, шаҳарлар ва қишлоқлар обод бўлур.*

* * *

*Сабр бағоят яхши ва марғуб сифатдур.*

* * *

*Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки ҳасад бағоят жирканч хислатдур.*

# ТУЗОҚ

"Жон куйдирмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда", деган гап бор. Бугун Мавжуда Мамадалиева хурсанд, қувончининг чеки йўқ. "Ғарлик, ўғирликдан бошқа ҳунарнинг айби йўқ. Сабаби — тирикчилик-да", деб қўярди у ўзига-ўзи.

Кутилган кун. Олдиндан келишилган харидорлар ҳам келишди. Мавжуда қувончини танасига сиғдира олмай, телефон гўшагини кўтарди. Рақам тера бошлади:

— Ҳай, айланай, ўзингизми Нозимжон.

Тасдиқ овози келгач, Мавжуданинг кўнгли тонгдек ёришди.

— Ҳа, тинчлик ўргилай, тинчлик, — деди Мавжуда, — "юк"ка харидорлар келишди.

Телефонда гапираётган киши яна бир нималар деди чоғи, Мавжуданинг афти-ангори бироз жиддий тортди.

— Вой, ўлибманми, Нозимжон, — деди у, — ишонарли кишилар.

Аёл телефонда гапираётган одамнинг сўзларини бўлмай турди. Кейин иккинчи қўлини кўксига қўйиб деди: — Бу ёғи не телефонный разговор, келаверинг, хурсанд бўласиз.

Мавжуда гўшакни жойига қўйди. Елкасидан улкан тоғни ағдаргандек эди.

— Савил қолсин, — ўзига-ўзи гапира бошлади у, — сен терговчи, прокурормисан, кимсан ўзи?

Мавжуда тилига келган сўзлардан сесканиб, беихтиёр эти чумоли ўрмалагандек жимирлашиб кетди. Қўйлаги ёқасидан ушлаб, "туф-туф, худо сақласин", деб қўйди.

Хўш, бу икки шахс кимлар? Энди иккови ҳақидаги маълумот билан танишсак.

Зуҳуров Нозим Норбўтаевич, 1967 йилнинг 9 апрелида Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти Ғофуров шаҳарчасида туғилган. Миллати тожик. Тожикистон Республикаси фуқароси. Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси. Маълумоти ўрта. Муқаддам Туркманистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 4-қисми билан судланган. Вақтинча ҳеч қаерда ишламайди.

Мамадалиева Мавжуда Абдумаликовна, 1959 йил 11 сентябрда Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Оилали, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, 1997 йилда Россия Федерацияси Пенза шаҳар суди томонидан Россия Федерацияси ЖКнинг 228-моддаси 4-қисми билан 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Вақтинча ҳеч қаерда ишламайди.

Нозим Хўқанди латифда нима қилиб юрибди? Сабаби бу ерда Нозимжоннинг шаръий йўл билан уйланиб олган яна битта жуфти ҳалоли Васила бор эди.

Битта рўзғор барибир битта-да, иккита рўзғорнинг ўзига яраша ташвиши, юки бўлади. Нозимжон икки оилани баробар тебратиш учун Қўқон — Ғофуров шаҳарлари орасида бўзчининг мокисидек югургани-югурган. Муҳими, елдай чопишлар беиз, бенишон кетаётгани йўқ. Икки рўзғордаги қоракўзлар ҳеч кимдан кам эмас.

* * *

Қўқон шаҳар Матонат кўчаси, 19-"А" уйининг қўнғироғи чалинди. Эшикни мардикор йигит очди. Нозимжон сўзсиз ичкарига бош суқди. "Хайрият, ҳеч қандай, "хит-пит йўқ экан" кўнгли жойига тушди унинг. Пешвоз келаётган Мавжудани имлаб, йўлакдан девор панасига етаклади.

— Опа, хафа бўлмангу, — пичирлай бошлади Нозимжон, — деворнинг ҳам қулоғи бўлади.

— Ҳа, айланай куёв, — деди Мавжуда, — менинг ҳам бир мартага оғзим куйган. Шундан бери қатиқни ҳам пуфлаб ичаман.

— "Юк"ни олиб чиқ, — мардикор йигитга буйруқ берди Мавжуда. Савдогару харидорлар ичкари уйга киришди. "Юк" роппа-роса 659 грамм тош босди.

— Қолгани қани? — овозини баландлатди Нозим.

— Ўпкангизни босинг, — деди уй бекаси, — бори шу.

— Мен сизга бир кило ташлаб кетгандим-ку?

— Ҳой, жанжаллашманглар, — деди харидор Обиджон Турдалиев. — Вақтимиз зиқ. Ҳали юкни Тошкентга олиб бориш керак. Қани, Анвар, пулини санаб бер.

Насиба Каримова билан Анваржон Ҳасанов 600 граммдан ортиқроқ "героин"га 2600 АҚШ долларини санаб беришди.

— Энди, опа, — деди Анвар, — кемага тушганнинг жони бир. Йўл узоқ. Йўлда нима кўп "хит-пит" кўп. Улардан омон-эсон ўтиб олиш эркаклар учун қийин. Сиз бизга ёрдам берсангиз, хизмат ҳақингизга 100 доллар берамиз.

— Жоним қоқиндиқ, — деди Мавжуда қувончини ичига сиғдиролмай.

У илдам ҳаракат билан "юк"ни белига маҳкам тугиб олди.

— Қани, қўлларингни очинглар, — деди Мавжуда, — офатдан, кулфатдан, оч битдан, йўлдаги "хит"лардан Яратганнинг ўзи асрасин!

— Ҳа, опаси тушмагур, — яйраб кулди Нозимжон долларларни чўнтагига тиқар экан, — майли розиман, кейинги сафар суришиб кетаверамиз.

Кейинги сафарга ўрин қолмади. Чунки меҳмону мезбонларни кўчада Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимлари кутиб олишди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг очиқ суд мажлисида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди.

Ҳукм ўқилди. Нозимжон қулоқларига, кўзларига ҳеч ишонгиси келмади. "Наҳотки, одамнинг оласи ичида бўлса! Наҳотки, тузоққа илиндим. Эҳ, Мавжуда опа-я, эҳтиёт бўлинг, деб айтмаганмидим", дея ўйларди у. Сўнгги пушаймондан фойда йўқлигини ҳам хаёлидан ўтказди шу тоб.

**Р.САИДАҲМЕДОВ,**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**журналист**

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

*— Алиса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кечаси тушимда сиздан бўса олдим.*
*— Ие, ҳали бўса олган сизмидингиз?*

* * *

*Колхоз клубида космик парвозлар ҳақида лекция бўлаяпти. Лекция тугагач, маърузачи "савол борми?" деб колхозчиларга мурожаат қилади. Колхоз қоровули ўрнидан туради:*
*— Ўртоқ лектор! Карамель конфет борку. Кўрганмисиз шуни? Ўшанинг ичида мураббо бор, ташқарисида — конфет. Сўрамоқчи бўлганим шуки, конфетнинг ичига қанақа қилиб мураббони жойлашади?*

* * *

*— Доктор, эримнинг касали жиддий. Нима қилиш керак?*
*— Ҳаммадан аввал касалнинг нима эканини аниқлаш керак. Қани, ечининг-да, эрингизнинг қаерлари оғришини кўрсатинг...*

* * *

*Танца тушаётгандаги суҳбат:*
*— Яхши қиз, мен ҳамма фикрларингизни ўқиб турибман, чунки сиз баайни очиқ китоб...*
*— Ўқисангиз ўқийверинг-у, лекин муқовани силашни бас қилсангиз бўларди.*


1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
С. ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.